




ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1 март куни амалий ташриф билан Боку шаҳрига келди.



Хайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Якуб Аюбов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку шаҳрига келган, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.

Озарбайжон етакчиси 2 март куни мамлакат пойтахтида бўлиб ўтадиган Қўшилмаслик ҳаракати саммитини қўллаб-қувватлагани ва унда шахсан иштирок этаётгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев, ўз навбатида, Озарбайжон ушбу тузилмага самарали раислик қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентлар олий даражада эришилган келишувлар ижросининг

боришини батафсил қўриб чиқдилар. Тизимли ва самарали мулоқотлар туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани, амалий мазмун билан бойигани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 50 фоиздан зиёдга ошди. Автомобилсозлик, тўқимачилик саноати ва ипакчилик каби устувор тармоқлардаги кооперация лойиҳалари фаол паллага кирди. Нефть-газ, транспорт ва логистика соҳаларида истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳрида ўтган биринчи Худудлар форуми доирасида қўшма Инвестиция фондини ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатларимиз эркин иқтисодий зоналарни ва солиқ маъмуриятчилиги тизимини ривожлантириш борасида ўзаро тажриба алмашишдан манфаатдорлиги таъкидланди.

Маданий-гуманитар алмашинуви янада кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилиб, бўлажак тadbирлар режасини қўриб чиқдилар.

Учрашув ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди.

2 март куни Бокуда энг йирик халқаро тузилмалардан бири — Қўшилмаслик ҳаракати саммити бўлиб ўтди. Тадбирнинг ялпи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлайди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 март куни Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Энтони Блинкен бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатлар кун тартибидagi долзарб масалаларнинг кенг доираси ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари қўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида Давлат котиби Энтони Блинкен давлатимиз раҳбарига Қўшма Штатлар Президенти Жо Байденнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

АҚШ Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашда қатъий экани яна бир бор қайд этилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ва ортага қайтмас тус олган демократик янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берилди, улар тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Айниқса, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлашда, мажбурий меҳнатга қарши курашишда, сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларда, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда ва қўллаб бошқа йўналишларда эришилган катта муваффақиятлар алоҳида қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш, шу жумладан, Стратегик ҳамкорлик бўйича самарали мулоқотни илгари суриш ва турли даражаларда сермахсул алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо-иқтисодий, инвестицион ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш, Америка етакчи компанияларининг Ўзбекистон бозоридagi фаолиятини кенгайтириш, кооперация лойиҳаларини, энг аввало, юқори технология тармоқларда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар алоқаларни, шу жумладан, мамлакатимизда ёшларга инглиз тилини ўқитиш ва малакали ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларини фаоллаштириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашилди. Кунги кеча “АҚШ ва Марказий Осиё мамлакатлари” (“С5+1”) форматда ўтган вазирлар учрашувининг амалий натижалари ижобий баҳоланди.

Минтақа мамлакатларининг барқарор тараққиётига кўмаклашиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини такомиллаштириш, “яшил энергетика”ни ривожлантириш, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш каби йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Шу ойда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим кенгаши (TIFA) йиғилишига муҳим аҳамият берилмоқда.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида кенг халқаро ҳамкорликка оид масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Ушбу мамлакатдаги вазиятнинг кескинлашишига ва гуманитар инқирознинг авж олишига йўл қўйиб бўлмаслиги, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш учун БМТ майдонидан фаол фойдаланиш зарурлиги, шунингдек, тинчлик жараёнига ва Афғонистон иқтисодиётини тиклашга кўмаклашиш учун минтақавий инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги тўғрисида яқдил фикр билдирилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2023 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Баҳор ва табиат уйғонишининг тим-соли, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлган Наврўзи оламни бандан руҳ ва катта шодибона билан нишонлаш азал-азалдан эл-юртимиз учун гўзал анъана ҳисобланади.

Халқимизнинг кўп асрлик эзгу қадриятларини, унинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган ушбу қутлуғ айём мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамга айланган.

Наврўзи оламнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яхшилик ва бағрикенглик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик,

атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби олижаноб ғоялар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг мақсади ва мазмунига тўла ҳамроҳдир.

Ҳозирги кунда жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодимиз қалби ва онгида Ватанамизнинг бугуни ва келажигига дахлдорлик туйғусини кучайтиришда Наврўз байрамнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат фасли сифатида эъзозлайдиган, Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти томонидан халқаро байрам деб эътироф этилган Наврўзнинг маънавий ҳаётимиздаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, ушбу айёмни миллий қадрият ва урф-одатларимизга уйғун тарзда, ҳар томонлама муносиб даражада нишонлаш мақсадида:

1. 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда “**Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!**” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юксак савияда нишонлансин.

▣ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) корпоратив бошқаруви жорий этиш, уларнинг операцион самарадорлигини ошириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни давом эттириш, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор механизмларига ўтишини жадаллаштириш мақсадида:

1. 2023-2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва операцион самарадорлиги оширилаётган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигига (кейинги ўринларда — Стратегик ислохотлар агентлиги) мазкур корхоналарни ислоҳ қилиш вазифаси юклансин.

▣ Давоми 2-бетда

2. Белгилансинки: Стратегик ислохотлар агентлиги “UzAssets” инвестиция компанияси” АЖ (кейинги ўринларда — “UzAssets” инвестиция компанияси) ва мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналарда давлат акция пакети (улуши) бўйича акциядор (иштирокчи) функциясини амалга оширадиган;

2 МАРТ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БМТГА АЪЗО БЎЛГАН КҮН

Ўзбекистон ва БМТ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

XXI асрга келиб халқаро сиёсатда кескин глобал ўзгаришлар кузатила бошланди. Бу жараён ҳар бир давлатдан чуқур ўйланган, прагматик ва аниқ ечимларга асосланган ички ва ташқи сиёсат юритишни, дипломатик муносабатларда ўта зийрак ва холис бўлишни талаб қилмоқда.



▣ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон ва БМТ:

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ижобий таъсир кўрсатаётган бир қатор муҳим ютуқларни санаб ўтиш ўринли бўлади. Булар сирасига мамлакатимизда амалга оширилаётган халқ билан мулоқотнинг очиқ тамойили, иқтисодий муносабатларни либераллаштириш, тадбиркорлик муҳити яхшиланиши, инсон ҳуқуқлари таъминланиши, умуман олганда, барча соҳаларда жадал ривожланиш ҳолати кузатилаётгани кирради. Шунингдек, мамлакатимиз ташқи сиёсатида халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги даври бошлангани ҳам алоҳида эътирофли ютуқ сифатида баҳоланмоқда.

Ана шундай халқаро тузилмалардан бири — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) саналади. Ўзбекистон БМТга 1992 йил 2 март куни тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Шу кундан эътиборан Ташкилотнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида мамлакатимизнинг давлат байроғи ҳилпирай бошлади.

Бугунги мураккаб шароитда, миқёсига кўра, мисли кўрилмаган қуролли зиддиятлар ҳамда халқаро тинчлик ва барқарорликка ҳавф кучайиб бораётган бир шароитда тинчлик ва ҳавфсизлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя

мақсад ва принциплар асосида белгиланади. 1945 йилнинг 24 октябрида кучга кирган ҳужжатда ташкилот структураси ҳамда баҳс ва тажовузуларни ҳал қилишнинг асосий тамойиллари мустаҳкамланган. 1948 йилдан бошлаб ушбу сана БМТ куни сифатида кенг нишонланганидан бўлди.

Эътиборлиси шундаки, БМТ Устави инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи биринчи ҳужжат бўлиб, глобал қўллаб-қувватловга эришди. Унинг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги низоми уч йил ўтиб, 1948 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз аксини топди.

Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, “1945 йилда ташкил этилганидан буён БМТ халқаро миқёсда тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришда марказий мувофиқлаштирувчи роль ўйнайдиган чинакам универсал халқаро тузилмага айланди”.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаган мақсуд халқаро ташкилот билан ҳамкорликка катта аҳамият қаратади. Давлатимиз БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро шартномалардаги мақсад ва принципларга содиқ бўлиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни оғишмай бажариб келмоқда.

БМТнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон тенглик, ҳамкорлик, кўптомонламалик ва халқаро сиёсий тизимни ҳимоя қилиш принципларига сўзсиз амал қилишни намойиш этмоқда. Сўнгги вақтларда халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, янги глобал қуроли тўқнашувларнинг олдини олиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, глобал мулоқот, глобал ҳаракатлар ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ғояларни фаол илгари сурмоқда.

Республикамиз БМТ ва унинг қатор ихтисослаштирилган муассасалари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти, Жаҳон банки, МАГАТЭ ва бошқалар ишида фаол иштирок этади.

1993 йилнинг 24 октябрида Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.



2017 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида давлатимиз раҳбари муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурди, улар орасида доимий фаолият кўрсатувчи инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ташкиллаштириш ва БМТ Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш тақдирлари бор.

қилиш ва жадал тараққийни таъминлаш йўлида аъзо давлатларнинг сайёҳаракатларини бирлаштиришни мақсад қилган универсал халқаро тузилма сифатида БМТнинг роли ва масъулияти ортиб бормоқда.

БМТ ҳозирги вақтда 193 давлатни бирлаштирган олти баш орган бўлиб, уларнинг бештаси — Бош Ассамблея, Ҳавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши ва Котибхона Нью-Йоркдаги марказий қароргоҳда фаолият кўрсатади, Халқаро суд — Гаагада (Нидерландия) жойлашган.

Ташкилотнинг мақсад ва фаолияти 1945 йил 26 июнда Сан-Франциско шаҳрида 50 мамлакат томонидан имзоланган БМТ Уставида баён этилган

Ўзбекистонда БМТнинг тарқийб тузилмалари, жумладан, Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик жамғармаси, Болалар жамғармаси, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Гендер тенглик, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастур ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида турли соҳаларга доир ўта муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги сўнгги беш йилда мутлақо янги даражага кўтарилди.



ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАГАН МАЗКУР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ БИЛАН ҲАМКОРЛИККА КАТТА АҲАМИЯТ ҚАРАТАДИ. ДАВЛАТИМИЗ БМТ УСТАВИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА БОШҚА АСОСИЙ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРДАГИ МАҚСАД ВА ПРИНЦИПЛАРГА СОДИҚ БЎЛИБ, ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ ОҒИШМАЙ БАЖАРИБ КЕЛМОҚДА.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг бир қатор муҳим сессияларида маъруза қилди. Бу маърузаларда халқаро ва минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларга доир ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, бу тақдирлар халқаро ҳамжамият томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, туризмни ривожлантириш, экологик муаммолар, диний экстремизм, терроризмга қарши курашиш, бутун дунё ёшлари тақдир ва келажаги, маърифатли дунё ҳақида қайғуриш каби ташаббус ва илғор ғоялар шулар жумласидан.

БМТ шафелигида Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро конференциялар ҳам фаол эътироф этилди. Хусусан, 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда “Марказий Осиё: бир ўтмиш ва умумий келажақ, барқарор тараққиёт ва ўзаро фаровонлик йўлида ҳамкорлик” конференцияси, 2018 йил мартда Тошкентда “Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида, 2021 йилда Хивада “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро форумлари ўтказилди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конференцияси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича Кўп шериклик траст фонди тузилди. БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида Пандемия давридаги давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари халқаро кодекси тасдиқланди, унда ҳар бир давлат фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси БМТ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бугун мамлакатимизда демократиянинг замонавий ва инсон ҳуқуқлари мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизими барпо этилган, қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлари ва барча даражадаги суд ҳокимияти фаол ишламоқда. Энг муҳими, жамиятда Конституцияга ва мамлакат қонунларига ҳурмат қарор топмоқда, “Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида” устувор принципларга эришилди.

Охириги йилларда Ўзбекистонга БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн,

диний эркинлик ёки эътиқодлар масалалари бўйича махсус маърузачи Аҳмад Шаҳид, судья ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачи Диего Гарсия-Саян, шунингдек, терроризмга қарши кураш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масалалари бўйича махсус маърузачи Фийоннуала Ни Аолайн ташриф буюрди.

2017 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида давлатимиз раҳбари муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурди, улар орасида доимий фаолият кўрсатувчи инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ташкиллаштириш ва БМТ Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш тақдирлари бор.

2018 йилнинг 22-23 ноябрь кунлари Самарқандда “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги юнқули: замонавий қаҳриқлар ва реаллик” Осиё форуми бўлиб ўтди, унда 20 га яқин халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан экспертлар иштирок этди. Ушунда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси расмий ҳужжати сифатида тасдиқланган.

2020 йилнинг 12-13 август кунлари “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” Самарқанд веб-форуми ўтказилди. Шу нондаги Самарқанд резолюцияси БМТнинг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистон барқарор тараққиёт соҳасида БМТ билан қалин ҳамкорлик қилади. БМТнинг 2030 йилгача кун тартибда бўлган масалаларни амалга ошириш мақсадида ҳукумат томонидан 2030 йилгача даврни камраб олган барқарор тараққиёт соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинди, 16 миллий мақсад ва 125 вазифа тасдиқланди. Миллий мақсад ва вазифаларни имплементацияси бўйича “Йул харитаси” қабул қилинди, ҳукумат ҳузурида Парламент комиссияси ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Барқарор тараққиёт мақсадларини бажариш бўйича Ихтиёрий миллий обзор тақдим этилди.

Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегияси БМТ барқарор тараққиёт мақсадлари ижросининг беш йиллик “Йул хариталари” ҳисобланади. 2021 йилнинг июнида Бухоро шаҳрида Парламентларо иттифоқ билан ҳамкорликда “Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда

глобал парламентларо ҳамкорлик” халқаро форуми ташкиллаштирилди. Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларо ролини ошириш борасидаги ташаббусимизни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан резолюция қилинишида қабул қилиниши бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини ташкил этди, парламент Омбудсмани, Болалар Омбудсмани, Бизнес Омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ушбу тизимга кирди.

Мажбурий ва болалар меҳнатини бартараф этиш соҳасидаги ишлар ҳолати тубдан ўзгарди. Қўноқларнинг олдини олиш миллий механизми фаолиятини такомиллаштириш бўйича қонунчилик чоралари қабул қилинди.

БМТнинг фуқаролиги йўқ шахслар сонини қисқартириш борасидаги қаҳриқларига мувофиқ, 2020 йилда “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, унинг асосида 70 мингдан зиёд фуқаролиги йўқ шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олинди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш мамлакатимизни “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги янги қонун қабул қилиниши билан олқишлади.

Айни вақтда мамлакатимизда қонунчилик ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум-эътироф этилган халқаро стандартларини, шунингдек, БМТ Устав органлари ва шартномавий қўмиталарнинг тасвиаларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарлиги бошқармаси билан конструктив ҳамкорлик ва мунтазам мулоқотни йўлга қўйган. Мазкур бошқарма билан ҳамкорликда 2020 йилнинг июнида биринчи марта Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияси қабул қилиниб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. У БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши ва шартномавий қўмиталарнинг тасвиаларини амалга оширишни кўзда тутди. Миллий стратегияни қабул қилишда нафақат эксперт доираларнинг, балки кенг жамоатчилик ва халқаро ташкилотларнинг фикри ҳам инобатга олинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия доирасида гендер тенглик, сўз ва дин эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида аниқ чоралар қабул қилинди. Хусусан, 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди, Ўзбекистон

БМТ ҲОЗИРГИ ВАҚТДА 193 ДАВЛАТНИ БИРЛАШТИРГАН ОЛТИТА БОШ ОРГАН БЎЛИБ, УЛАРНИНГ БЕШТАСИ — БОШ АССАМБЛЕЯ, ҲАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТМОИЙ КЕНГАШ, ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ ВА КОТИБИЯТ НЬУ-ЙОРКДАГИ МАРКАЗИЙ ҚАРОРГОҲДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИ, ХАЛҚАРО СУД — ГААГАДА (НИДЕРЛАНДИЯ) ЖОЙЛАШГАН.

Республикасида 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларига риоя қилиниши бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди, Ўзбекистонда 2025 йилгача давлатнинг ёшларга оид сиёсатини ривожлантириш концепцияси амалга оширилади, у БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясида баён этилган “Ёшлар билан ишлаш ёшлар манфаатида” принципига асосланган.

Маълумки, 2020 йилнинг 24 февралда БМТ Бош котиби А.Гутерриш “Юксак интилиш: инсон ҳуқуқлари учун ҳаракатга қаҳриқ” номи остидаги ташаббусни илгари сурди. “Қаҳриқ”нинг энг муҳим моҳиятидан бири фуқаролик жамиятини кучайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, эркак ва аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда, шунингдек, ахборот эркинлигида тенгликка эришиш зарурияти ҳисобланади.

БМТнинг мазкур ташаббуси Ўзбекистоннинг айни соҳаларда амалга ошираётган ислохотлари билан ҳаммамо. Зеро, инсон ҳуқуқларини таъминлашда туриб, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар тараққиёти йўлидаги муаммоларини ечиш имконсиз.

2019 йилнинг 13 октябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган сайловларда БМТ Бош Ассамблеясининг делегатлари ташкилотнинг бош ҳуқуқ ҳимояси органи — Инсон ҳуқуқлари кенгашининг янги 15 аъзосини сайлади. Ўзбекистон миллий давлатчиликнинг тарихида биринчи марта 2021-2023 йиллардаги давр учун кенгаш аъзоллигига сайланди. Бунинг учун БМТга аъзо 193 давлатнинг 169 таси овоз берди. 2022 йилнинг январидан Ўзбекистоннинг БМТнинг Женевадаги идораси вакили Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг раиси ўринбосарлигига сайланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш бутун дунё бўйлаб мазкур соҳадаги вазиятни назорат қилар экан, давлат раҳбарларига тасвиаларини бериб боради. Ушбу халқаро органга кирган ҳар бир мамлакат мазкур йўналишда намуна бўлиши керак. Кенгашга кирган ва эътирофга сазовор бўлган Ўзбекистон керакли мажбуриятларини масъулият билан бажаришга жиддий киришган.

Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органларини билан, айниқса, барча давлатларга уларнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ тегишли вазияти баҳоланаётганда тенг ва камситилмаган муомалани таъминлаётган, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг универсал даврий обзори механизми билан мунтазам ва конструктив ҳамкорликни йўлга қўйган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йили БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг олий даражадаги саммитида нутқ сўзлаб, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликка эришиш соҳасида БМТ билан ҳамкорлигига доир янги қирраларни белгилаб берди.

Бугун тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатлар муҳим воқеаларга бой бўлиб, барча йўналишларда ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг БМТ доирасида илгари сурган барча тақдирлари, ташаббуслари тинчлик, ҳавфсизлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва барқарор тараққиётга эришишни таъминлаш йўлига улкан амалий хисса бўлиб қўшилмоқда. Мамлакатимиз бундан кейин ҳам БМТ билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга содиқ бўлиб қолаверади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий давлат барпо этишнинг муҳим асоси

Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири маслаҳатчиси

Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида 2022 йил якунлари сарҳисоб қилиниши билан бир қаторда 2023 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг олтига муҳим йўналиши ҳам белгилаб берилди. Жумладан, иккинчи устувор йўналиш сифатида Янги Ўзбекистонни "ижтимоий кафолатланган давлат" тамойили асосида барпо этиш мақсади таъкидланди. "Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўйга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishi зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир", деди давлатимиз раҳбари.

Ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган устувор йўналиш бўйича самарали натижаларга эришиш ихчам ва тезкор бошқарув тизимини шакллантириш, камбағалликни кескин қисқартириш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг бевосита маҳаллаб тизимида ишлаш фаоллигини кучайтириш ҳамда фуқароларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилишда комплекс ёндашувни тақозо этмоқда. Айтиш мумкин Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан 2023 йил 1 январдан давлат бошқарув тизимида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик ташкил этилди.

Бу борада камбағалликни қисқартиришга бевосита масъул бўлган бешта давлат ва жамоат идораси илк бор ягона тизимга бирлаштирилди. Янги ташкил этилган вазирилик барча ташкилий, ҳуқуқий, малакавий мутахассис кадр ресурслари ва молиявий имкониятлар берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, камбағалликни қисқартиришнинг энг таъсирчан иқтисодий механизми — аҳолини самарали ва юқори даромадли меҳнатга жалб қилиш бўйича шу пайтгача тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиб келаётган ҳудудлардаги маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар ва фаол ёшлар етакчиси, бандлик ва ижтимоий хизмат ходимлари эндиликда бир тизимда фаолият олиб бориши шакллантирилмоқда.

Шу ўринда, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирларга эътибор қаратсак.

Биринчидан, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, қисқа муддатда мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган ва ҳозирги даврда Президентимиз талабларига мос янги ташкилий ва меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, 2022 йилдан бошлаб аҳолининг минимал ижтимоий стандартлари ва камбағаллик чегараси белгиланди.

Унга қўра, соҳа мутахассислари ва халқаро жамғармалар ҳисоб-китобларига биноан 2022 йил мўйайида мамлакатимизда аҳоли жон бошига минимал истеъмол харажатлари қиймати 498 минг сўмини ташкил этди. Ушбу шаклланган молиявий мезондан келиб чиққан ҳолда, камбағаллик даражаси мамлакатимизда илк бор 17 фоизни ташкил этди деб, очик эълон қилинди.

Иккинчидан, 2022 йилдан бошлаб камбағалликни қисқартиришнинг мутлақо янги тизими — маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини юқори профессионал даражадаги касб-хунарга ўқитиш ва иш билан бандлигига қўмаклашиш ҳамда жойларда камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолияти амалга оширилди.

2022 йил январь, февраль ва март ойларига тўққиз мингдан ортиқ маҳаллада тажрибали, ташаббускор ва юқори даражали билимдон ҳоким ёрдамчилари тайинланди. Уларга Президентимизнинг ҳозирги талабларидан ҳамда ўша ҳудуднинг демографик ва иқтисодий-ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб, аниқ амалий топшириқ ва вазифалар белгиланди. Жумладан, ўзларига бириктирилган маҳаллада уйма-уй юриш орқали камбағал ва даромади паст ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини касб-хунарга ўқитиш, уларни мавжуд бўш иш ўринларига жалб қилиш, тадбиркорликнинг янги анъанавий йўналишларига йўл очиш ҳамда керакли миқдорда субсидия ва кредитлар ажратиш бўйича қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилди.

Ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида 425 мингта лойиҳага жами 10 триллион сўмга яқин имтиёзли кредит ва 53 мингдан ортиқ ишсиз фуқарога 174 миллиард сўм субсидия ажратилди. 220 мингдан ортиқ истеъдодли ёш йигит-қизлар касб-хунарга ўқитилди, шу жумладан, уларнинг 76 минг нафарига тадбиркорлик кўникмалари ўргатилди.

Учинчидан, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий кафолатланган қўллаб-қувватлаш тадбирларини қонуний ва тизимли асосда олиб бориш ҳамда ижтимоий ёрдам давлат сиёсатини янада кучайтириш, ушбу тоифадагиларга сифатли тиббий реабилитация хизматларини кенг амалга ошириш бўйича самарали тизимни барпо этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони билан 2022 йили Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқланди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга мақсадли кафолатланган ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнини тезкор, тўлақонли ва ҳаққоний амалга ошириш учун "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими жорий этилди. Барча оилаларга бола учун бериладиган нафақа тўловлари ва моддий ёрдамни тайинлаш учун жон бошига тўри келадиган бир ойлик даромад мезонини минимал истеъмол харажатлари қиймати, яъни камбағаллик чегарасига тенглаштиришга эришилди. Натижада мавжуд ижтимоий муҳтож ва давлат томонидан ижтимоий ёрдам оладиган оилалар сони 2019 йил 1 январь ҳолатидаги 595 минг нафардан 2023 йил 1 январга келиб 2,3 миллион нафарга етди, яъни охириг уч йил давомида 4 баробар кўпайди.

Президентимизнинг "Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, 2022 йил 1 майдан пенсия ва ижтимоий нафақалар минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорда бел-

гиланди ва бу мақсадга тааллуқли миқдорда бюджет маблағлари ажратилди. Тўртинчидан, утган давр мобайнида "Саховат ва қўмақ" жамғармаси маблағлари ҳисобидан "Темир дафтар", "Аёллар дафтари"га киритилган 360,6 минг оиллага 300 миллиард сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

2021-2022 йилларда аҳолига озик-овқат маҳсулотларини, жумладан, чорва ва паррандачилик турлари бўйича узлуксиз етказиб бериш давлат чора-тадбирларига мувофиқ, 264,7 минг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги оиллага тақрибий экин учун 88,5 минг гектар ер ажратилди, 154,4 минг оиллага 28,6 минг тонна бугдой кластер ва фермер хўжаликлари томонидан бепул тарқатилди.

Бешинчидан, 2022 йилнинг 26-27 май кунлари Бухоро шаҳрида Ўзбекистон тарихида илк марта камбағалликни қисқартириш муаммоларига бағишланган Халқаро форум бўлиб ўтди. Форумда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо, қузатувчи ва ҳамкор давлатлар, халқаро молия институтлари, академик доиралар ва хорижий мамлакатлар вакиллари, жамиятимизнинг жамоат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимлик органларининг 300 га яқин вакиллари иштирок этди. Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган давлат ижтимоий сиёсати ва амалий тадбирлар ижобий баҳоланди, маъқулланди.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2026 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражасини икки баробар қисқартиришга эришиш вазифаси белгилангани вазиригимиз



мутахассисларига ниҳоятда мураккаб, шу билан бирга, шарафли масъулият юклатмоқда.

Бу борада истиқболда ўз ечимини кутиб турган долзарб мақсадга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик, аввало, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига кирган ҳар бир камбағал оила билан индивидуал дастур асосида фаолият юритишни режалаштирган. Бу йўналишда биргина мисол: оилавий тадбиркорлик учун давлат томонидан ҳудудий идораларга бюджетдан ажратиб берилган 12 триллион сўм маблағ ҳисобига 500 мингдан ортиқ кичик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Иккинчидан, яқин икки йилда барча ҳудудлардаги ижтимоий муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги молиявий манбалар ва молиявий хизматлар илк бор электрон шаклда тизимлаштирилди. Бунда, аҳолини камбағалликдан чиқариш ва кишилар бандлигига қўмаклашувчи жамғармалар негизда ягона жамғарма ташкил этилади. Йўналтирилган барча харажатларнинг ҳаққонийлиги ва мақсадлилиги мунтазам равишда таҳлил қилинади ва танқидий муҳоима қилиб борилади.

Вазирлик қoшидаги жамғармалар фаолияти учун 2023 йилга ажратилган 1,5 триллион сўм маблағ барча туманларнинг мавжуд эҳтиёжлари асосида уларнинг 5 тоифасидан келиб чиққан ҳолда тақсимланмоқда. 2023 йилда барча ишсиз фуқароларга тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш учун йўналтириладиган 550 миллиард сўм субсидия ажратилиши



мўлжалланган. Бундан ташқари, янги шаклланган электрон реестрда ҳисобга олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож оила аъзолари талаблари кам бўлган ҳамда самарадорлиги паст бўлган субсидиялар миқдори ва муддатлари 2023 йил давомида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан мақбуллаштириб борилади.

Иш излаётган ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган шахсларга мақбул бўлган ёки самараси юқори бўлган субсидия турлари ажратилиши бир оз соддалаштирилади.

Учинчидан, 2023 йилдан аҳолига деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун узок муддатли ижара асосида ер майдонларининг ажратилиши ишсиз фуқароларнинг бандлигига қўмаклашиш даромадини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, ривожланган халқаро тажриба билан танишиш мақсадида маҳаллий Мономарказ ўқитувчиларининг хорижда малакасини ошириш ва тажрибасини бойитиш кўзда тутилган. Дафтарга кирган хотин-қизларга 6 тоифа бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ташкил этилади, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Тиббий ёрдамга муҳтож бўлган 1500 нафар хотин-қизга жарроҳлик операциялари учун молиявий қўмақ берилди. Оғир турмуш шароитида яшашган 7500 нафар хотин-қизнинг уйлари тазмирлаш режалаштирилган.

Еттинчидан, 2023 йил 1 январь ҳолатига қўра, юртимизда 19,3 минг нафар ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз ёки ёлғиз яшовчи кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар бўлиб, уларга жами 2,3 минг нафар ижтимоий ходим сифатли ва тўлақонли ижтимоий-маиший хизмат кўрсатмоқда.

Жорий йил якунигача ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида 25 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, болалар бепул тиббий-ижтимоий реабилитация қилинади. Ушбу тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар рўйхати, навбатда турганлар ўрни ва уларга кўрсатиладиган тиббий реабилитация ҳамда протез қўйиш тадбирлари муддатлари кенг омма эътиборига ҳавола этилган.

Ногиронлиги бўлган 26 минг нафар шахсга замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари белгиланган муддатларда етказиб берилади. 45 минг нафар ижтимоий муҳтож пенсионерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат



йўналишидаги биринчи қадам деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги даврда маҳалла бюджетини шакллантириш бўйича Богот тумани ҳокимлиги билан Қалажиққалъа муҳтож фуқароларнинг талабларини қондириш ваколатига эга бўлган Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойили асосида мунтазам равишда аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш, муносиб меҳнат шароити яратиш, аҳолининг меҳнатига яраша юқори даромад олишига эришиш, бир сўз билан айтганда, халқимизни рози қилиш йўлида бундан бўён ҳам изчил фаолият олиб бориши ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

Маҳалла бюджетининг шаклланган маблағларини маҳалла кенгаши қарори билан мақсадли сарфлаш тажрибаси кенг қамровли ўрганилади. Молиявий фаолиятида билим ва тажрибага эга бўлган ҳоким ёрдамчилари "маҳалла менежери" вазифасини бажара бошлайди ва маҳалланинг молиявий

маблағларини ҳаққоний ҳисоб-китоб қилиниши ҳамда тўғри сарфланишига масъул бўлиши кўзда тутилган.

Олтинчидан, "Аёллар дафтари"га ёрдамга муҳтож хотин-қизларни киритишнинг 4-босқичи амалга оширилди. Дафтарга кирган хотин-қизларга 6 тоифа бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ташкил этилади, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Тиббий ёрдамга муҳтож бўлган 1500 нафар хотин-қизга жарроҳлик операциялари учун молиявий қўмақ берилди. Оғир турмуш шароитида яшашган 7500 нафар хотин-қизнинг уйлари тазмирлаш режалаштирилган.

Еттинчидан, 2023 йил 1 январь ҳолатига қўра, юртимизда 19,3 минг нафар ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз ёки ёлғиз яшовчи кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар бўлиб, уларга жами 2,3 минг нафар ижтимоий ходим сифатли ва тўлақонли ижтимоий-маиший хизмат кўрсатмоқда.

Жорий йил якунигача ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида 25 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, болалар бепул тиббий-ижтимоий реабилитация қилинади. Ушбу тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар рўйхати, навбатда турганлар ўрни ва уларга кўрсатиладиган тиббий реабилитация ҳамда протез қўйиш тадбирлари муддатлари кенг омма эътиборига ҳавола этилган.

Ногиронлиги бўлган 26 минг нафар шахсга замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари белгиланган муддатларда етказиб берилади. 45 минг нафар ижтимоий муҳтож пенсионерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат



ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

МАЪНАВИЙ ТАЪРИФИЙ ТАЪРБИЯ

Ёшларнинг хоҳиш-истагига ҳамоҳанг, қизиқишига мос бўлсин

Ҳозирги глобаллашув даврида ёшлар онгу шуурида юзага келаётган ўзига хос ижтимоий-маънавий, руҳий ўзгаришлар олий таълим тизимидаги ишларни замонавийлик, муҳимлик ва самарадорлик, таъсирчанлик нуқтаи назаридан тўлиқ қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.



Лазиз МИНГИШОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маънавий-таърифий ишлар бошқармаси бошлиғи



қизиқишларига мос бўлишига алоҳида эътибор қаратиш мумкин.

Таълим сифатини оширишда ҳам талабалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши керак. Замон талабларига мос бўлмаган фан ёки сифатсиз дарс берадиган ўқитувчи ёхуд дарс сифатидан қониқмайдиган талаба мавжуд экан, таълимдан ҳам, тарбиядан ҳам натижа кутиш мантиқсизлиқдир. Шунинг учун олий таълим муассасасида талабаларнинг муаммоларини доимий ўрганишдан ва бартаф эътиборидан тизимни йўлга қўйиш мақсадида ёшларнинг муассаса фаолияти бўйича билдирган ҳолис муносабатларини (feedback дастури) умумлаштириш асосида бажарилиши шарт бўлган "Муаммоларни бартаф эътиборидан ташкил топан "Курс қўмиталари" (Course committees) фаолиятини ташкил этиш ҳам самара беради.

Натижада олий таълим муассасасининг ўз ривожланиш стратегиясини ёшлар иштироки билан ҳамоҳанг белгилаши, улари билан муаммоларини мунтазам ўрганиши, таълим йўналиши учун мақсадли, самарали, таъсирчан ва фойдали ишлар қўлими кенгайтиши, талабаларнинг ўқув юртида нофаол истеъмолчилар эмас, балки фаол иштирокчи сифатида намоён бўлишига эришилади.

Иккинчидан, аслида маънавий-таърифий соҳадаги энг катта муаммо соҳа қармоқининг кенглиги, тарбия методикасининг мавҳумлиги ва тарбиявий ишлар самарадорлигини баҳолашнинг илмий асосланган мезон ва кўрсаткичлари мавжуд эмаслигидадир. Олий таълим муассасаларида



ридаги маънавий-таърифий ишларни ташкил этишга маъсул ходимларнинг қўлини ишга ҳужажуринга ташкил этиш, таъдбирларни ҳисобот учун номинга ўтказиши оқибатда натижадорликка эришиш иккинчи даражага тушиб қолмоқда.

Маънавий-таърифий соҳа қармоғи кенг олингани, юқори турувчи ташкилотлар томонидан тақдорий ёки сон жиҳатдан кўп таъдбирларнинг берилиши, талабаларнинг хоҳиши инобатга олинмасдан мажбурий таъдбирларга жалб қилиниши, соҳада аниқ чегара ва ягона иш дастурининг мавжуд эмаслиги ишларни тизимли ташкил этишга имкон бермапти. Аслида мана шундай камчиликлар, номинга ўтказиш қўлини таъдбирлар ва улари билан таъдбирлар эҳтиёжи, қизиқишдан келиб чиқиб ташкил этилмаётгани фарзандларимизнинг маънавий тушуначасидан беэтибор қилинишига сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир олий таълим муассасасида маънавий-таърифий ишлар самарадорлиги баҳолашнинг илмий асосланган мезон ва кўрсаткичлари ишлаб чиқиши мумкин. Ёшлар масалалари ва маънавий-таърифий ишлар бўйича маъсул ходимлар ва профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш, улари соҳага оид янгиликлардан хабардорлиги, чет тилларни билиши, АКТ саводхонлиги, ижтимоий тармоқлар ва ОАВдаги фаоллиги, нотикил қобилияти, ижтимоий-сиёсий воқеаларга

нисбатан асосли муносабат билдира олиши каби муҳим мезонлар билан бирга маънавий-таърифий ишлар натижадорлиги кўрсаткичларига кўра, баҳолаш лозим. Қолаверса, шу асосда улари даража, мақом бериш, рағбатлантириб бериш тизимини йўлга қўйиш мақсада мувофиқ. Шунда соҳадаги ҳар бир мутахассис ўз вазифасини самарали бажаришга ҳаракат қилади, аниқ натижага интилади.

Хориж таърибига кўра, ҳар бир талабанинг ўқиш давридаги ижтимоий фаоллиги баҳолаб борилади ва бу битирувчининг портфолиосида ҳам ўз аксини топади. Энг муҳими, битирувчининг ижтимоий фаоллиги акс этган портфолиоси иш беришлари томонидан ҳам инобатга олинади ва қадрланади. Ушбу масала бўйича ҳам керакли ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш зарурати мавжуд.

Учинчидан, талабалар контингентини ошириб кетгани олий таълим муассасаларида ўқув аудиториялари етишмаслигини келтириб чиқарди. Ҳозир деярли барча давлат олий таълим муассасаси икки сменаги ўқишга ўтган. Натижада қўшимча аудиториялар яратиш ҳисобига ОТМларда талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга кўмаклашувчи маънавий-таърифий маконлар (спорт иншоотлари, кутубхона, маданият масканлари, медиамарказ, маънавий хоналари) камийиб бормоқда.

Талабани таълим билан банд қилиш бир кунда бор-йўғи 4,5 соат (3 пара)ни ташкил этмоқда. Аксарият талабаларнинг фаол вақти деярли самарасиз ишга сарфланяпти. Йигит-қизлар энг кўп вақтини ўтказадиган талабалар турар жойидаги маданий шароит, бўш вақтини самарали ташкил этиш учун жозибадор масканлар камийиб

кетмоқда. Бунинг асосий сабаби аксарият талабалар турар жойи эски типда қурилган бўлиб, жорий таъмирланган. Талабаларнинг дарс тайёрлаши, қўшимча маданий ва спорт-соғломлаштириш ишлари билан шуғулланиши учун хоналар камлик қилади. Мажбурият ҳам эҳтиёж ортини сабабли турар жой хоналарига айлантирилган.

Тахлилларга кўра, олий таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга хизмат қиладиган масканлар (спорт иншоотлари, маданият муассасалари)нинг жами кунлик сифими 150 мингга яқин талабага мўлжалланган. Муайян сабабларга кўра, олий таълим муассасаларининг 10 тасида спорт зали, 11 тасида маданият маскани ва фаоллар зали мавжуд эмас.

Кутубхона ва компьютер хоналарига эга бўлмаган олий таълим муассасаларида эса маънавий-таърифий ишларни самарали ташкил этиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Юқоридagi ҳолатлар бугунги кунда олий таълим муассасаларида талабалар бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун маданий шароитларни янада яхиллаш заруратини аниқлашмоқда.

Туртинчидан, ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар олаётган ахборотнинг мазмуни, савиясига нисбатан ортада қоляпти. Бугун айнан ижтимоий тармоқлар катта минбарга айлангани, ёшларни шу минбарга чиқаётганлар тарбиялаётганини ҳисобга

олишимиз керак. Албатта, ОТМлар томонидан фаоллар залида 100-200 талаба учун ўтказилган таъдбир билан ижтимоий тармоқларнинг 100 минглаб ёшларимиз онгу шуурига таъсирини таққослаб бўлмайди.

Агар ижтимоий тармоқларда тарқатилмаётган ахборотнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсирини пухта ўрганмасак, бу жараёнда ортада қолсақ, маънавий-таърифий соҳада сезиларли бушлиқ юзлаб келиши эҳтимоли катта. Шунинг учун ижтимоий тармоқларнинг ёшларга таъсирини жиҳдий ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш, шу асосда аудиторияларда ташкил этиладиган эски шаклдаги, етарли самара бермайдиган, қуруқ маърузабозликдан иборат таъдбирларга барҳам бериш вақти келди. Улар ўрнига ижтимоий тармоқларни муттасил кузатиб борадиган, ахборотларни таҳлил қиладиган, зарур ҳолларда тегишли ахборотга тезкор муносабат билдириш қўнимасига эга малакали мутахассислар иштирокидаги давра суҳбатлари, брифинг, пресс-клуб, очик мулоқот шаклидаги замонавий таъдбирларга эътибор қаратиш лозим.

Бешинчидан, талабаларни ОТМга келган кундан талланган ўқув юртидан фахрланишга ўргатиш, соғлом муҳит яратиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида самимий муносабат ўрнатиш, "устоз", олий таълим муассасаси талабаси" деган юксак мақомга ҳар томонлама муносиб бўлиш, масъулият билан ўзида юксак ахлоқий сифатни намоён этишига эришиш муҳим масалалар сирасига кирар.

Бу аъна индор хорижий давлатлар таълим тизимида самара бермоқда. Масалан, Гарвард университетиде талаба ўқишга киргач, унга "Шараф кодекси" тақдим этилади. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. У ерда университетнинг нуфузи, фахрий битирувчилари ва муҳит билан бирга талаба учун қўйилмаган мажбуриятлар кўрсатилади. Талаба шу кодексга риоя қилишга ёзма розилик билдиради. Олий таълим муассасаларида қабул қилинадиган "Одоб-ахлоқ кодекси" ана шундай қимматли ҳужжатга айлантирилиши лозим.

Олтинчидан, сўнгги пайтларда ОТМларда кузатилаётган ноҳус ҳолатлар, суиқасд билан боғлиқ фожиаларнинг олдини олиш учун талабаларнинг руҳий-психологик ҳолатини баҳолаш, улари билан муаммосига ташхис қўйиш ҳақида шу асосда зарур психодиагностика, даволаш-профилактика ишларини йўлга қўйишимиз зарур.

Еттинчидан, талабалар ва ўқувчиларнинг маънавий-таърифий тарбияси бора-бора мавжуд муаммоларни ўрганидиган, таҳлил қиладиган ва илмий асосланган замонавий тарғибот методларини, шу асосда соҳа мутасаддилари учун зарур услубий тавсиялар ишлаб чиқадиган, олий таълим тизимида маънавий-таърифий ишларнинг устувор йўналишларини белгилаб берадиган "ақл марказлари" фаолиятига зарурат сезилмоқда.

Бугун ҳар бир олий таълим муассасасида талабаларни эркин фикрлаш, ижодкорлигини намоён қилиш, дунёқарабини мураккаб кенгайтиришга хизмат қиладиган маънавий-таърифий, илмий-ижодий муҳитни яратиш, хорижий таърибга асосда тарбиянинг замонавий шакли ва услубларини амалиётга жорий этиш, сифат ва самарадорликка алоҳида ўрн берсақкина қўзланган мақсадларга эришишимиз мумкин.

Ушбу масалаларнинг самарали йўлга қўйилиши пировард натижада ўта хавфли бўлган турли иллатлар — "оммавий маданият", ОИТС ва гетерандлик, одам савдоси, коррупция, миссионерлик ва прозелитизм, экстремизм ва терроризм, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, ахлоқсизлик, турли ёт гоғлар ва ахборот хуржларига қарши курашиш орқали ёшлар ҳаётини, тақдирини, келажакини тўғри ўзанга буришда муҳим аҳамият касб этади. Маънавиятнинг, маънавий тарбиянинг муҳимлиги ҳам, тарбиянинг замонавий шакли ва услубларда ташкил этишнинг зарурати ҳам, бугунги глобаллашув шароитидаги долзарблиги ҳам айнан шу хавф-хатарларнинг мавжудлиги ва унга қарши кураш воситаларининг аҳамияти юқори экани билан белгиланади.

КўНГИЛ МУЛКИ



Ватан манзумаси: БИЛАМАН, СИЗ ВАТАННИ ЧИН СЕВГАЙДИРСИЗ

Ижодкор аҳли борки, Ватан мавзусига қўл урганда илҳоми жўшади. Шоир, ёзувчи, хонанда, бастакор, рассом, ҳайкалтарош бўлсин, ўзида ўзгача иштиёқ туяди. Она юрт мадҳ этилган шеър, қўшиқ, бағишловлар доим ҳаяжон билан, балад пардаларда ижро этилади.

Жорий йил 26 январь кунини Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон" халқро анжуманлар саройида старт берилган, шу кунларда эса пойтахтимизнинг яна бир муҳташам саройи — "Туркистон"да давом этаётган "Ватан манзумаси" адабий-таърифий таъдбирларида иштирок этаётганлар бунинг гувоҳи бўлмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, уларга кўриб келишнинг авлоднинг онги, тафаккурини тўғри шакллантириш, ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Жорий "Инсон қадри ва сифатли таълим йили"да ҳам бу борадаги амалий ишларни замон билан ҳамнафас ташкил этиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Едингда бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 13 январь кунини бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳарбий қўшинлар олдига маънавий-таърифий ва маданий ишларни ривожлантириш бўйича бир қатор топшириқлар қўйган эди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавий ва таърифот маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Ватан манзумаси" номли адабий-таърифий кечалар жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Тинчлик ва оқошталаникни асраб-авайлаш, эл-юрт фаровонлиги учун сафарбарлик, мардлик ва жасурлик сингари эзгу фазилатлар акс

мавзулардаги шеърлари ёш ижодкорлар томонидан ўқиб эшиттирилди. Халқ таниган шоирлар эса ўз шеърларини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Санъаткорлар ўз навабатида, юрт мавзусидаги куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этди. Ҳарбийларнинг чиқишлари таъдбирга ўзгача ғайз улашганини алоҳида қайд этиш керак.

Бўғдойзордан хирмонини уйдирганлар, Юртин суйиб ўзини ҳам суйдирганлар, Меҳридан бир юксак Ватан кўрдирганлар, "Бу иморат — бизнинг бина" дегайдирсиз, Биламан, сиз Ватанни чин севгайдирсиз.

— Таъдбирда марҳум шоирларнинг Ватан, овоз ва обод ўлка ҳақидаги ўтти шеърлари жарангламоқда. Бу оҳангга жўр бўлган бошқа ижодкорлар ҳам эл-юртга меҳр-муҳаббат, садоқат ҳақидаги ижод намуналарини ўқиб беряпти, — дейди юқоридagi мисралар муаллифи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шоди Отамурод. — Айниқса, устозлар қаторида ёш шоирларнинг ҳам чиқиши улар қалбига катта руҳ, иқодий рағбат бағишлайди. Ҳозирда бу маънавий-таърифий таъдбир "Туркистон" саройида бир неча кун намоиш этилмоқда. Мулолағасиз айтиш мумкинки, таъдбир ватанга муҳаббат ва садоқат ҳақидаги ҳақиқий манзумамга айланади.

— Мазкур таъдбирларни, сахна чиқишларини катта қизиқиш, ўзгача руҳ билан томоша қилялман, — дейди



МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШ, УЛГАЙИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОДНИНГ ОНГИ, ТАФАККУРИНИ ТЎҒРИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЁШЛАРНИНГ БИЛИМ ОЛИШИ, КАСБ-ХУНАР ЭГАЛЛАШИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ МАСАЛАСИГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМОҚДА. ЖОРИЙ "ИНСОН ҚАДРИ ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ"ДА ҲАМ БУ БОРАДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАРНИ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТИЗИМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

этирилган мазкур адабий-таърифий таъдбирларда турли соҳа вакиллари ва ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда Ватан оқошталлиги учун хизматга отланган ёш курсантлар ҳам иштирок этмоқда.

— Ушбу таъдбирларни томоша қилган одам тинчлик улуғ неъмат эканини, у ўз-ўзидан таъминланмаслигини, оқошталлигини сақлаш учун шу юртининг ҳар бир фарзанди бирлашиши, аҳил-иноқ, садоқатли бўлиши, Ватанни онани севгандек севиши, онани ҳимоя қилгандек ҳимоя қилиши лозим ва шартлигини яна бир бор теран аниқлаш шубҳасиз, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов. — Қолаверса, юртимиз тинчлигини сақлаш нафақат ҳарбийлар, балки ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчи экани, агар барчамиз бир тану бир жон бўлсак, оқошталлигимизга ҳеч қим раҳна соломаслигини қуқурок ҳис қилади. Бу каби таъдбирлар оқошталта юртимизни асраб-авайлашга, аждодлар ёди билан фахрланишга ундайди.

Нодир МАҲМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Чўлпон ва Ғулом Зафарий



Наим КАРИМОВ, академик

“Катта қирғин”

Одатда ижод аҳли бир-бири билан яқин муносабатда бўлади. Қаламкаш дўсти ёзган асарни ўқиб, унинг янада мукамал бўлишига ёрдам берадиган фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Бу, ижодий хўроқнинг муҳим жараёнлари билан бирдир.

Аммо 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” даврида НКВД ходимлари шу жараёндан ёвуз мақсад йўлида фойдаланиб, ижодий ҳамкорликда яшаб келадиган олимлар, ёзувчилар ва санъаткорларни бир-бирига қарши “материал” беришга мажбур қилган, ижодий ҳамкорлик мевасидан баҳраманд бўлиб келадиган дўстлар кўз очиб юмгунча хундор душманларга айланиб қолган.

Тўғри, бунда ҳамма айб НКВД ва унинг жirkan хуфияларида бўлган. Лекин синган чинини тўзатиб бўлмаганидек, соҳиб дўстлар ўртасидаги ишонч кўпригини ҳам тўзатиб бўлмади ҳеч кимга сир эмас. 1937-1938 йилларда бошқа ижодкорлар билан яқин алоқада бўлгани учун озор чеккан ёзувчилардан бири Чўлпон, иккинчиси эса Ғулом Зафарий эди.

Чўлпон Андижонда, Ғулом Зафарий Тошкентда таваллуд топган

Биз бу икки ижодкордан бирининг 1898 йил Андижон шаҳрида туғилгани, 1913-1914 йилларда Тошкентга кўчиб келиб, “Садои Туркистон” газетасида хизмат қилгани, Ғулом Зафарийнинг “Хамлет” трагедиясини илоҳий куч билан таржима қилиб, кимсан буюк Шекспирни доғда қолдиргани, “Уткан кўнлар” билан бахslashа олмаган “Кеча ва кундуз” романини ёзгани ва бу икки асар Чўлпоннинг XX аср ўзбек адабиёти тароққийтига қўшган буюк ҳиссаси эканини яхши биламиз. Балки кимдир Ғулом Зафарийнинг “Халима” мусиқали драматаси XX асрнинг 20-30-йилларида энг машҳур мусиқали драма бўлгани ва бу драмадаги Халима ролини қойилмақом қилиб ижро этган Турсуной Саидзаимова билан Халима Носированинг катта шухрат қозонганини ҳам эшитган бўлса, ажаб эмас.

Ғулом Зафарий 1890 йили Тошкент шаҳрининг Каттабўр маҳалласида дунёга келган. Чўлпондан 11 ёш кичик. Шу маҳалладан унча узоқ бўлмаган жойда машҳур навоийшунос олим Хамид Сулаймоннинг отаси Сулаймонхўжа Умархўжаев ҳам яшаган.

“Отам, — деб ёзган эди Хамид Сулаймон, — Тошкентнинг соҳиб Бешёғоч даҳасидаги Камолон маҳалласида деҳқон оиласида дунёга келган... Отанинг мадрасадаги ҳамхўра дўстларидан энг яқинлари севилим адибимиз Абдулла Қодирий — Жулкуноб ва драматург Ғулом Зафарийлар эди. Абдулла Қодирийнинг туғилиб ўсган уйи Камолоннинг фарбидаги қўшни Эшонгузар маҳалласида бўлган. Бизнинг ҳовли билан Абдулла ака ҳовлисининг ораси ярим километрча бўлиб, шу ораликда Ғулом Зафарийнинг ҳовлиси ва кичик, ғоятда шинам боғи жойлашган эди”.

Хамид Сулаймоннинг бу хотираси деталларга қанчалик бой бўлишига қарамай, Абдулла Қодирийнинг Кўкалдош мадрасасида эмас, балки Абулқосим мадрасасида таълим олганини айтмай ўтолмаймиз.

Ғулом Зафарий ҳаёти ва ижоди билан шуғулланган адабиётшунос Олим Усмонов эса “Ғулом Зафарий. Ҳаёти ва ижоди” (2022) деган сермазмун рисоласида драматургнинг ота-онаси тўғрисида қуйидаги маълумотни берган: “Унинг отаси Музаффар мискар хунарманд киши бўлиб, ҳазил-мутойибага мойил, санъатсевар киши эди. Онаси Файзинисо отини маълумотли, гапга чечан аёл бўлиб, кўпгина халқ достонлари ва эртакларини ёддан биларди, айниқса, асли кўқонлик бўлгани учун Кўқон хонлиги тарихига оид кўндан-кўн маълумотларни ўз хотирасида сақлар эди. Билимдон, широна руҳли, мулозим ва ширинсўз Файзинисо отини бу маълумотларни мунтазам равишда ёш Ғуломга ҳикоя қилиб берар эди”.

Шу йилларда жадидлар нафақат Тошкент, Балки Самарқанд, Қўқон сингари йirik шаҳарларда ҳам фаоллаша бошлаган. 1912 йили Ғуломжон онасининг қариндош-уруғларига ишониб булса керак, Уш шаҳрига бориб, янги усул мактабида муаллимлик қилади. Орадан бир йил ўтгач, мураббийлик фаолиятини Тошкент шаҳрида давом эттиради.

1914 йил 15 январда Тошкентдаги “Колизей” театрида “Падарқуш” спектаклининг премьераси бўлиб ўтади. Шу йили “Турон” театрида Озарбайжон мусиқали театрининг “Аршин мол олон”, “Лайли ва Мажнун” сингари машҳур драмалари ҳам катта муваффақият билан намойиш этилади. Булар Ғулом Зафарийнинг ҳаётини, яшаш тарзини бутунлай ўзгартириб юборади. У отасининг мисдан ясалган патнисларини чертиб, турли ритм ва оханлар чалиб, ҳатто ўзи ҳам янги-янги куйлар ижод қила бошлайди. Патнис садоларидан чиққан мусиқий нолалардан мутаассир бўлган дўстлари унда бастакорлик истеъдоди борлигини сезиб, Худо берган шу истеъдодни тарбиялаш йўллари кўрсатади.

Ўзбек операсининг асосини солгувчи Ғулом Зафарийдир

Ўша йилларда илк шеърларини ёза бошлаган Ғуломжон ёшлар ҳаётидан олинган “Баҳор”, “Гунафша”, “Тилак”, “Куён”, “Эрк болалари” сингари бир кўринишли драмаларни ҳам ёзиб, уларнинг ҳаваскорлик тўғралаклариде ижро этилишига муваффақ бўладики, бу унинг ижодий кучига янги куч, завқига янги завқ қўшади. Ғуломжон Озарбайжон театри спектаклини қайта-қайта кўриб, ҳатто Мухиддин қори Ёқубов билан Тамарахонимнинг “Эрк болалари”ни 1925 йилда Париж ва Берлиндаги саҳналардан бирида намойиш этганлари, бу асарнинг француз ва немис томошабинлари олқисида сазовор бўлганини эшитиб, руҳланиб ва қанотланиб, ўз олдига биринчи ўзбек мусиқали драматасини яратиш вазифасини қўяди.

Агар 1920 йил 10 сентябрда “Карл Маркс” труппасида (“Турон” театри шундай ном билан “замонавийлаштирилган”) Маннон Уйғур саҳналаштирилган “Халима” спектакли муаллифи қамалган 1937 йилга қадар ўйнаб театрларда зўр муваффақият билан намойиш этилганини эсласак, ўзбек театри тарихида Ғулом Зафарийнинг “Халима”си билан бахslashа оладиган бошқа мусиқали драматаси топилш осон эмас.




1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” даврида НКВД ходимлари шу жараёндан ёвуз мақсад йўлида фойдаланиб, ижодий ҳамкорликда яшаб келадиган олимлар, ёзувчилар ва санъаткорларни бир-бирига қарши “материал” беришга мажбур қилган, ижодий ҳамкорлик мевасидан баҳраманд бўлиб келадиган дўстлар кўз очиб юмгунча хундор душманларга айланиб қолган.

Чўлпон бу асарнинг саҳна юзини кўришида ижодий маслаҳатлари билан кўмак берган, дейишади. Шунинг учунимкан, у “Халима” спектаклининг ҳар бир намоишида драматургнинг дўсти сифатида қатнашиб, катта ҳаждон билан бундай ёзган эди: “11 декабрда ўзимиз курган киши “Турон” биносида — юзичи марта бўлса керак — “Халима” ўйналди... Асарнинг алла нечанчи марта кўйилишига қарамастан, халқ тўлариди, ҳар тегишмайди...”

Ўзбек операсини яратиш жазаваси авж олган 30-йилларнинг ўрталарида бу асарни ҳам опера “тили”га мотлашловчи бўлишган. Мусиқашунос Б.А.Пестовский шу ҳол ҳақида “Бу кунда ўзбек операсининг асосини солгувчи Ғулом Зафарийдир”, деб ёзган ва бу сўзлар тарихий ҳақиқатга зид эмас эди.

Драматург биринчи марта 1932 йилда, 1937 йилда эса иккинчи марта “халқ душмани” сифатида айбланиб, Сибирь лагерларида азерб-укубат чеккан. Шу вақтда ҳам Ўзбекистон театри “Халима” драматасини намойиш қилишда давом этган (муаллифи



кўрсатилмаган ҳолда). Чўлпон спектаклдан тушган қалам ҳақини сургундаги драматурга ҳам, унинг озодлиқда кўйилиб яшаётган оиласига ҳам мунтазам равишда етказиб турган.

Ғулом Зафарийнинг қамалиш сабаби эса унинг Туркистон Мухторияти барпо этилган вақтда Мухториятни, худди дўсти Чўлпондек, фаол кўлаб-қуватлаб, фуқаролик жасоратини кўрсатгани эди.

Биз, адабиётшунос ва тарихчилар бирор ватандошимизнинг Туркистон Мухториятини кўлаб-қуватлашда айбланганини айтмай-у, бу “кўлаб-қуватлаш” нимадан иборат бўлганини ичимизга ютиб келамиз. Ҳолбуки, бундай жасоратга ҳар кимда ҳам журъат этишган, деб бўлмайди.

Ғулом Зафарий, бошқа аксар зиёлилар сингари, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси эди. У шу “аксиллиқчилик” ташкилотнинг аъзоси сифатида қамоққа олинган ва терговчининг Мухториятни қандай кўлаб-қуватлаганини тўғрисидаги саволига жавоб бериб, бундай деган: “Қўқон мухторияти ҳукуматининг ташкил этилиши муносабати билан ‘Миллий иттиҳод’ ташкилотимизнинг Марказий Комитети Эски шаҳарда ‘Турон’ театри биносида очик мажлиси ўтказган ва бу мажлисда Мунаввар қори Абурашидоннов, Саъдулла Турсунхўжаев, Салихон Тиллахонов, Норбултабеков, мен ва бошқалар иштирок этганмиз.

“МЕН ҒУЛОМ ЗАФАРИЙ БИЛАН ЖУДА ЯҚИНДАН ТАНИШ ЭКАНЛИГИМНИ ТАН ОЛАМАН. ПЎЛАТОВНИ, САИД АФАДИНИ, БАХШУЛЛАХОНОВНИ ХАМ ҚАЙ ДАРАЖАДА БИЛИШИМНИ АЙТДИМ. САНАБ ЎТИЛГАН ШАХСЛАРИНИНГ АЙҒОҚЧИЛИК ҚИЛГАНИНИ БИЛМАСЛИГИМНИ ТАСДИҚЛАЙМАН. НА БЕВОСИТА, НА ҒУЛОМ ЗАФАРИЙ ОРҚАЛИ МЕН САИД АФАДИДАН ПУЛ ОЛМАГАНМАН, ЎЗИМ ХАМ АЙҒОҚЧИ БЎЛМАГАНМАН. МЕН МИЛЛАТЧИ ЭДИМ ВА ШУ ҲАҚДА КЎРГАЗМА БЕРДИМ”.

Рус мусиқашунослари хайратга тушган

Ғулом Зафарий қисқа ижодий фаолияти давомида ўзбек халқ шеърини ва ўзбек мумтоз мусиқаси илмини шундай эгаллаган эдики, натижада улар бир шеърини матнда ўзаро ўйғунлашиб, шoir шеърларини ўзгача бадий оханг ва ранглр билан бойитган.

Унинг ижодий ўсиши ва истеъдодининг янги-янги қирралар билан порлаб боришида 1921 йилда Ўзбек билим хайратининг тузилиши, бу хайрат қошида адабий мерос масалаларини ўрганувчи илмий-этнографик экспедицияларнинг ташкил этилиши, бу экспедициялар фаолиятида Фитрат, Элбек, Ғулом Зафарий, В.Успенский сингари ўзбек ва рус олимларининг иштирок этиши муҳим роль ўйнади.

Айниқса, Зафарий раҳбарлигидаги экспедициянинг Фарғона вилоятида олиб борган изланишлари ва кўлга киритган ноёб материаллар, аввало, унинг ўзбек халқ озаки ижоди ва мусиқаси ҳақидаги билимининг беҳад даражада чуқурлашишига имкон берди. У, масалан, ўзбек халқ мусиқаси тарихини жаҳон халқлари мусиқаси тарихи фониде ўрганиб, оламшумул кашфиётлар қилди. Ғулом Зафарий келган хулосаларга қараганда, мусиқа инсонни илоҳийтага яқинлаштирувчи мўъжиза.

“Мусиқанин ғйл фаслари, ой ва кун вақтларига қараб ижро этиб келинган, табиатдаги ўзгаришлар инсоннинг рухий оламига таъсир кўрсатади (масалан, булутли, ёмғирли қиш кунда инсон руҳида аллақандай ҳазин, маънос кайфият ҳосил бўлади). Бастакорлар бир кеча-кундузнинг 12 га бўлиб, ҳар бир бўлимини табиатнинг ўзгарувига қараб, бир таъсир остиде ҳисоблаб ва шунга тўғрилаб куй ясадилар. Шарқда улардан баъзи бир хасталикларни даволашда ҳам фойдаланилган.

Ўзбек мусиқаси тарихи билан шуғулланган машҳур рус мусиқашунослари Ғулом Зафарийнинг бу борадаги билими чуқурлигини кўриб, хайратга тушишган. Масалан, В.А.Успенский москвалик мусиқашунос дўсти В.М.Белевга йўллаган хатиде бундай сўзлар бор: “Ўзбек шoirи Ғулом Зафарий мене шундай маълумот берди: ‘Дуюх’ эрталлаб соат 10 гаче, ‘Баёт’ ўндан ўн иккигаче, ‘Қороғоқ’ бирдан олтигаче, ‘Севоҳ’ кеңкурун, ‘Шаҳнос’ ярим кечада, ‘Насруллоий’ кечаси соат ўн иккидан эрталлаб олтигаче ижро этиларкан... Мене кул мартаба айтшдики, ‘Наво’ касаллики даволашда, одатда, эрталлаб ижро этилар экан”.

Чўлпон ва Ғулом Зафарий ҳақиқий инсонлар бўлган

Чўлпон ҳам, Ғулом Зафарий ҳам ўз даврида катта шухрат қозонган, нафақат рус олимлари, балки хориджан келган кишилар учун ҳам улар билан мулоқотда бўлиш катта шараф эди. Аммо илҷи бўлса, ҳаммадан шубҳаландиш, ҳаммани жоссуликда айблаш давлат қатоган машинасини ҳаракатта келтирувчи куч бўлган бир пайтда Фитрат, Чўлпон, Ғулом Зафарий сингари машҳур фан ва маданият арбобларини чет эл жосуси бўлганида айблаш оддий ҳоқиса эди. 1937 йил терговчинлар қанчалик уринишмасин, улар, масалан, Чўлпонни уриб-калптаб ҳам бундай кўрсатмани ола билмадилар.

Мана, Чўлпоннинг терговчида берган сўнгги жавоби:

“Мен Ғулом Зафарий билан जुда яқиндан таниш эканлигимни тан оламан. Пулатовни, Саид афандини, Бахшуллахоновни ҳам қай даражада билишимни айтдим. Санаб ўтилган шахсларнинг айғоқчилик қилганини билмаслигимни тасдиқлайман. На бевоосита, на Ғулом Зафарий орқали мен Саид афандидан пул олмаганман, ўзим ҳам айғоқчи бўлмаганман. Мен миллатчи эдим ва шу ҳақда кўргазма бердим”.

Ҳақиқий инсон ҳатто жаллод қилчи бўғзини қонатиб турганида ҳам дўстини сотмайди. Ҳақиқий инсон “миллатчи”, ҳозирги ўзбек тилига таржима қилсак, “миллатпарвар” бўлади.

Чўлпон ва Ғулом Зафарий шундай ҳақиқий инсонлар бўлган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдил.
Газетанин ғтказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанин полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан руйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.
13625 нусхадда босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасиде чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳи: Шероз Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзили:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ўза яқуни — 02:10 Топширигди — 02:45